

**Вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Шерзод Ташматов
бошчилигидаги ишчи гуруҳ Наманган вилоятидаги спорт таълим-
муассасалари фаолиятини ўрганди**

Жорий йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон Таэквондо ВТ ассосиацияси раиси, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Ш.Ташматов бошчилигидаги Ишчи гуруҳ Наманган вилоятига ташриф буюриб, бир қатор спорт-таълим муассасалари ва спорт иншоотларини ўргани.



Мутасаддилар Поп, Косонсой ва Янгиқўрғон туманларининг чекка ҳудудларидаги спорт мактабларига ташриф буюришди. Унда ёшлар учун яратилган шароитлар, йўлга қўйилган бўлимлар ва машғулотлар жадвали, мактабларнинг моддий-техник базаларини ўрганишди. Шунингдек, Наманган шаҳридаги Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази ҳамда велотрек базаси ҳам эътибор марказида бўлди. Ишчи гуруҳ сафар давомида ҳар бир объектдаги хоналар, залларни кўздан кечириб, яқиний ҳулосалар бўйича қўшимча тавсиялар бериб ўтди.

